ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДАГИ ҲУҚУҚИЙ ВА ТИЗИМЛИ МУАММОЛАР

Усманов Алишер Толмасович
Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

https://doi.org/10.5281/zenodo.23153169

Аннотация. *Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг жамоат тартибини сақлаш ва профилактика фаолиятини баҳолаш мезонларини қўллашдаги ҳуқуқий ва тизимли муаммолар таҳлил қилинган. 2022-2026 йиллардаги статистик маълумотларга таянган ҳолда, тизимда миқдорий кўрсаткичларга тобелик, юрисдикцион такрорланишлар ва майда ҳуқуқбузарликларга ортиқча эътибор қаратиш оқибатида оғир криминоген хавфларнинг эътибордан четда қолиши каби камчиликлар кўрсатиб берилган. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун фаолиятни баҳолашда "натижадорликка асосланган баҳолаш" моделига ўтиш, Миллий гвардия ваколатидан маиший ва экологик ҳуқуқбузарликларни чиқариб ташлаш ҳамда "Профилактик таъсирчанлик индекси"ни жорий этиш бўйича концептуал таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *жамоат тартиби, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, баҳолаш мезонлари, Миллий гвардия, миқдорий кўрсаткичларга тобелик, юрисдикцион такрорланиш, натижадорлик.*

ПРАВОВЫЕ И СИСТЕМНЫЕ ПРОБЛЕМЫ В ПРИМЕНЕНИИ КРИТЕРИЕВ ОЦЕНКИ ПРИ ОХРАНЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА И ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

Аннотация. *В данном исследовании анализируются правовые и системные проблемы применения критериев оценки деятельности Национальной гвардии Республики Узбекистан в сфере охраны общественного порядка и профилактики правонарушений. На основе статистических данных за 2022-2026 годы показаны такие недостатки, как зависимость от количественных показателей, дублирование юрисдикций и игнорирование реальных криминогенных угроз из-за чрезмерного внимания к мелким правонарушениям.*

Для устранения этих проблем выдвинуты концептуальные предложения по переходу к модели оценки на основе реальных результатов, исключению мелких бытовых и экологических правонарушений из компетенции Национальной гвардии, а также внедрению “Индекса профилактического воздействия”.

Ключевые слова: *общественный порядок, профилактика правонарушений, критерии оценки, Национальная гвардия, зависимость от количественных показателей, дублирование юрисдикций, результативность.*

LEGAL AND SYSTEMIC PROBLEMS IN APPLYING EVALUATION CRITERIA IN MAINTAINING PUBLIC ORDER AND ENSURING CRIME PREVENTION

Abstract. *This study analyzes the legal and systemic problems in applying evaluation criteria for the public order and crime prevention activities of the National Guard of the Republic of Uzbekistan. Based on statistical data from 2022 to 2026, it highlights critical shortcomings such as the "quota trap" (reliance on quantitative indicators), jurisdictional overlaps, and the neglect of serious criminogenic threats due to an overemphasis on petty offenses. To address these issues, conceptual proposals are put forward to transition to an outcome-based evaluation model, exclude minor domestic and environmental offenses from the National Guard's jurisdiction, and introduce a "Preventive Impact Index".*

Keywords: *public order, crime prevention, evaluation criteria, National Guard, quota trap, jurisdictional overlap, outcome-based performance.*

Бугунги глобаллашув, жадал урбанизация ва тезкор ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар даврида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти *Ш.Мирзиёев* раҳнамолигида мамлакатда *“Хавфсиз шаҳар”*, *“Хавфсиз маҳалла*” ва *“Хавфсиз ҳудуд”* концепциялари доирасида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги, замонавий ва инсонпарвар тизими яратилди[1]. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Қонун устуворлиги – инсон манфаатлари таъминотининг бош мезони” тамойили асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти жазоловчи хусусиятдан ҳимоя қилувчи ва профилактик хусусиятга ўтказилмоқда. Ушбу кенг кўламли ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ташкил этилиши ва унинг ваколатларининг кенгайтирилиши жамоат тартибини сақлаш тизимида институционал бурилиш ясатди[2].

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сонли қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим бўғини этиб белгиланди[3]. Шу билан бирга, Миллий гвардия ташкил этилгач, бундан буён ҳар бир шаҳар, туман ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия тузилмалари ҳам масъул ва жавобгар этиб белгиланди[4].

Бироқ, илмий нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, мазкур соҳада фаолият самарадорлигини баҳолашнинг аниқ, илмий асосланган ва валид *(тўғри)* мезонларини, яъни KPI *(Key Performance Indicators)* тизимини қўллашда бир қатор ҳуқуқий ва тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (МЖтК) 248[1]-моддаси билан Миллий гвардия органларига ўнлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жазо чораларини қўллаш ваколатининг берилиши[5] тизимда рўйхатга олинган маъмурий баённомалар сонининг геометрик прогрессия шаклида ўсишига олиб келди. Ушбу ҳолат фаолиятни баҳолашда *“миқдорий кўрсаткичларга тобелик”* синдромини келтириб чиқармоқда ва профилактиканинг асл моҳиятини сунъий рақамлар ортида яшириб қўймоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги *“Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”*ги ПФ-27-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/27/1111-сон. // https://lex.uz/docs/5749393,

[2] *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 114.

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги *“Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”*ги ЎРҚ-458-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/458/0532-сон.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти *Шавкат Мирзиёевнинг* Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 23 декабрь, № 258 (6952). // https://president.uz/uz/lists/view/1371

[5] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 248[1]-модда. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

Мазкур параграфининг асосий мақсади шундаки, бугунги кунда интернет тармоқларида чоп этилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий-назарий қарашларига, қолаверса, Миллий гвардия органлари томонидан 2022 йилдан 2026 йилга қадар расмийлаштирилган маъмурий баённомаларнинг статистикасига[6] таянган ҳолда, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда баҳолаш мезонларини қўллашдаги ҳуқуқий ва тизимли муаммоларни илмий диагностика қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича концептуал таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шу ўринда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, хусусан, жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг фаолиятини баҳолаш масаласи доимо ҳуқуқшунослик, давлат бошқаруви ва криминология фанларининг диққат марказида бўлиб келган. Баҳолаш мезонларини шакллантириш фақатгина маъмурий-бошқарув усули эмас, балки давлат профилактика сиёсатининг векторини белгиловчи фундаментал омилдир.

АҚШ давлат ҳисобдорлиги идораси (GAO) томонидан Миллий гвардия фаолияти юзасидан тайёрланган расмий ҳисоботда таъкидланишича, дастурлар ва бўлинмалар фаолиятининг натижадорлигини ўлчашда ижрочи органлар кўпинча фақатгина *“натижавий ўлчовлар”*ни *(масалан, дастур битирувчилари сони ёки жалб қилинганлар сони)* тақдим этиш билан чекланиб қолмоқда. Аммо, фаолият самарадорлигини ҳақиқий баҳолаш учун аниқ *“ижро мақсадлари” (performance goals)* ўрнатилмаган[7]. Бу эса муассасаларга дастурларнинг умумий самарадорлигини ва ресурслар қайтаримини (return on investment) тўғри баҳолашга имкон бермайди. Бундан кўриниб турибдики, хорижий олимлар ва экспертлар орган фаолиятини фақатгина бажарилган ишларнинг механик миқдори *(outputs)* билан эмас, балки жамиятда содир бўлган ижобий ўзгаришлар, яъни реал натижалар *(outcomes)* орқали ўлчашни таклиф этишади.

Шунингдек, АҚШ Миллий Тактик Офицерлар Ассоциациясининг (NTOA) *“Жамоат тартибини сақлаш стандартлари” (Public Order Standards)* номли йўриқномасида жамоат тартибини сақлаш консепциясига жуда кенг таъриф берилган. Мазкур стандартларга кўра, *жамоат тартибини сақлаш* – бу шунчаки кўчада қоида бузганларни ушлаш ёки жаримага тортиш эмас, балки олдиндан режалаштирилган ёки стихияли оммавий тадбирларни *(намойишлар, йиғилишлар, маршлар)* бошқариш, фуқаролик тартибсизликлари *(civil disobedience, civil disorder)* ва зўравонлик билан боғлиқ нотинчликларни самарали бартараф этишдир[8]. Ушбу ёндашувга кўра, Миллий гвардия ва бошқа жамоат тартибини сақловчи тузилмалар фаолиятини баҳолашда уларнинг маъмурий баённома расмийлаштириш миқдори эмас, балки реал вақт режимида хавф-хатарларни баҳолаш *(threat risk assessment)*, жамоатчиликка таъсирини таҳлил қилиш ва вазиятни қонуний доирада юмшатиш (mitigate) қобилияти асосий мезон бўлиши лозимлиги уқдирилади. Агар бўлинмалар ўз диққатини фақат майда ҳуқуқбузарликларни қайд этишга қаратса, улар катта миқёсдаги жамоатчилик хавфларини бошқаришдек асосий вазифаларини бажаришга ресурслари етмай қолади.

---

[6] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

[7] U.S. Government Accountability Office. Defense Management: Actions Are Needed to Improve the Management and Oversight of the National Guard Youth Challenge Program. Report GAO-06-140 // https://www.govinfo.gov/content/pkg/GAOREPORTS-GAO-06-140/html/GA-OREPORTS-GAO-06-140.htm

[8] National Tactical Officers Association. NTOA Public Order Response and Operations Standards // https://ntoa.org/pdf/PublicOrder.pdf

Бундан ташқари, NTOA стандартларида Миллий гвардия ресурслари маҳаллий ва штат полициясини қўллаб-қувватлаш учун ишлатилиши кераклиги, бунинг учун мунтазам қўшма машғулотлар ўтказилиши зарурлиги ҳам қайд этилган.

Жиноятчилик профилактикаси фақатгина маъмурий чоралар билан эмас, балки жисмоний хавфсизлик ва тезкор-қидирув фаолиятини интеграция қилиш орқали амалга оширилиши лозимлиги бошқа хорижий манбаларда, жумладан, АҚШ Қуруқликдаги қўшинларининг *“Жисмоний хавфсизлик дастури” (AR 190-13)* ҳамда Ҳарбий-ҳаво кучларининг *“Қонун ва тартиб операцияларини ўтказиш” (DAFI 36-2646)* йўриқномаларида ҳам ўз аксини топган. Уларда кўрсатилишича, жиноятчилик профилактикаси тўғридан-тўғри қўмондонликнинг масъулияти бўлиб, у жиноий фаолиятнинг миссияни бажаришга тўсқинлик қилишининг олдини олишга қаратилган муайян усуллар ва таҳлилларни талаб қилади[9]. Ҳарбий ва гвардия бўлинмалари ҳарбий объектлар ва жамоат ҳудудларида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш орқали интеграциялашган мудофаага ҳисса қўшадилар [10] . АҚШ ҳукуматининг наркотикларга қарши кураш стратегиясида ҳам Миллий гвардиянинг ўрни бевосита миллий хавфсизликка раҳна солувчи транснационал таҳдидларни, жумладан жамоат тартибига путур етказувчи ва қонун устуворлигига раҳна солувчи тармоқларни йўқ қилишдаги роли билан баҳоланади[11].

Маҳаллий олимлар ва миллий қонунчилигимиз нуқтаи назаридан қаралганда ҳам профилактиканинг моҳияти жазолаш эмас, балки сабаб ва шароитларни бартараф этишдан иборат эканлиги кўзга ташланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 3-моддасида мустаҳкамланганидек, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди[12]. Шунингдек, мазкур Кодекснинг 9-моддасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чораларни кўриши шартлиги белгиланган. Демак, жамоат тартибини сақловчи органларни баҳолаш тизими ҳам айнан шу мақсадларга қай даражада эришилганини акс эттириши, қонунийлик, мустақиллик ва инсонпарварлик принципларига[13] суяниши шарт.

Бироқ, бугунги кун амалиётида *“натижавийлик” (outcome) ва “иш ҳажми”* ёки *“иш унумдорлиги” (output)* тушунчаларининг ўрни алмашиб қолмоқда. Ходимнинг ёки бутун бошли тузилманинг фаолиятини баҳолаш мезони сифатида унинг хизмат ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг реал камайгани ёки фуқароларнинг хавфсизлик ҳисси ошгани эмас, балки унинг қанча маъмурий баённома расмийлаштиргани кўрсаткич сифатида

[9] Department of the Army. The Army Physical Security Program (AR 190-13) // https://walker.isportsman.net/files/Reg%20references%2FAR%20190-13-The%20Army%20-Physical%20Security%20Program-2019.06.27.pdf

[10] Department of the Air Force. DAFI 36-2646 / DAFGM 2025-01: Memorandum for Distribution // https://static.e-publishing.af.mil/production/1/af_a4/publication/dafi36-2646/dafi-36-2646.pdf

[11] Performance Measures of Effectiveness for the National Guard Counterdrug Program // Homeland Security Digital Library, 1997. URL: https://www.hsdl.org/c/view?docid=17732

[12] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/97664

[13] “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (18.11.2020 й., ЎРҚ-647-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/acts/5128310

олинмоқда. Бу эса тизимли деформацияга олиб келиши муқаррар. Ушбу гипотезани илмий тасдиқлаш ёки инкор этиш учун Миллий гвардия томонидан 2022 йилдан 2026 йилнинг биринчи ярмига қадар бўлган даврда амалга оширилган маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиётининг йирик статистик маълумотларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш талаб этилади.

Шу ўринда, алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ташкил этилиши мамлакат мудофаа ва хавфсизлик тизимидаги энг йирик институционал ислоҳотлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикасининг *“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”*ги Қонунига мувофиқ, Миллий гвардия ўз ваколатларини қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, ягоналик, мустақиллик тамойиллари асосида амалга оширади [14]. Қонуннинг *8-моддасига* мувофиқ, Миллий гвардия ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади ва унинг фаолиятига аралашиш қатъиян тақиқланади.

Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари кенг ваколатларга эга бўлиб, уларнинг қонуний талаблари, шу жумладан қонунга риоя этиш, қоидабузарликларни ва уларнинг сабабларини бартараф этиш ҳақидаги талаблари барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Зарур ҳолларда, гвардия ходимлари жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга бўлиб, бундай кескин чоралар фақат қонун доирасида, жиноятга ёки ҳуқуқбузарликка барҳам беришда, фуқароларга ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтаришда қўлланилади. Шунингдек, Миллий гвардия қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади ва ўта муҳим объектларни қўриқлашни таъминлайди [15]. Сўнгги йилларда давлат дастурларига асосан Миллий гвардияга болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси ҳам юклатилди[16].

Мазкур ваколатларнинг маъмурий-ҳуқуқий механизми сифатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 248^1-модда *(“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари”)* киритилди[17]. Мазкур моддага асосан Миллий гвардия органларига МЖтКнинг ўнлаб моддалари, хусусан, 47-моддаси *(болаларни тарбиялаш бўйича мажбуриятларни бажармаслик)*, 56^1-модда *(жамоат жойларида тамаки истеъмол қилиш)*, 63-модда, 72-модда, 88-модда *(автомобиль йўлларини сақлаш қоидаларини бузиш)*, 91^1 ва 91^2-моддалар *(экология ва чиқиндилар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар)*, 161-модда *(ободонлаштириш қоидаларини бузиш)*, 185^1 ва 185^2-моддалар *(пиротехника ва совуқ қурол)*, 187-модда *(жамоат жойида алкоголь истеъмол қилиш)*, 194^1-модда *(Миллий гвардия ходими талабини бажармаслик)* ва бошқалар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда жарима жазоларини қўллаш ҳуқуқи берилди.

Ушбу ваколатларнинг амалиётда қандай намоён бўлаётгани эса бевосита

[14] Ўша манбаа: // https://lex.uz/acts/5128310
[15] “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *(15.06.2022 й., ЎРҚ-778-сон)* // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://www.lex.uz/acts/6066682
[16] *“Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”*ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *(14.11.2024 й., ЎРҚ-996-сон)* // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. // https://www.lex.uz/acts/7219502?ONDATE=15.05.-2025%2000
[17] *“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”*ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *(18.11.2020 й., ЎРҚ-647-сон)* // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/acts/5128310

фаолиятни баҳолаш мезонларидаги очиқ ва яширин муаммоларни юзага чиқариб бермоқда.

Мазкур ваколат доирасидан келиб чиқиб, бугунги кунда жамоат хавфсизлигини таъминлаш концепцияси доирасида Миллий гвардиянинг маъмурий ваколатлари доимий равишда кенгайтириб борилди. Қуйида тақдим этилган статистик маълумотлар ва уларнинг илмий таҳлили мазкур ваколатларнинг амалиётда қандай қўлланилаётганини кўрсатади.

2022 йилда Миллий гвардия органлари томонидан бутун республика бўйича жами *1 308 та* маъмурий ҳуқуқбузарлик қайд этилган[18]. Бу даврда Миллий гвардиянинг маъмурий амалиёти асосан ўз фаолиятини бевосита амалга ошириш жараёнидаги қаршиликлар ва тартиббузарликларни бартараф этишга қаратилган эди. Буни қайд этилган ҳуқуқбузарликлар таркибидан ҳам яққол кўриш мумкин.

2022 йил давридаги асосий кўрсаткичлар:

Модда *(МЖтК)*	**Ҳуқуқбузарликнинг қисқача моҳияти**	**Қайд этилган ҳолатлар сони**	**Жамига нисбатан улуши (%)**
194[1] *(1-қисм)*	*Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларини бажармаслик*	*877*	*67.0%*
185[1] *(1-қисм)*	*Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи*	*283*	*21.6%*
195[1]	*Миллий гвардия хизматчисининг ўз мажбуриятларини бажаришига қаршилик кўрсатиш*	*56*	*4.3%*
88 *(1-қисм)*	*Автомобиль йўллари ва кўчалардаги талабларни бузиш*	*24*	*1.8%*
161	*Ободонлаштириш қоидаларини бузиш*	*16*	*1.2%*
187 *(1-қисм)*	*Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш*	*13*	*1.0%*

Ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, энг кўп баённомалар *Тошкент* шаҳрида – 649 та, *Андижон вилоятида* – 106 та, *Жиззах вилоятида* – 92 та ва *Бухоро* вилоятида – 74 та тузилган[19].

[18] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди *(1-илова)*.

[19] Ўша манбаа: *(1-илова)*

Рақамлардан кўриниб турибдики, 2022 йилда жами ҳуқуқбузарликларнинг салкам 70 фоизи бевосита МЖтКнинг 194[1]-моддаси, яъни Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик ҳолатларига тўғри келган. Бу даврда Миллий гвардиянинг юрисдикцияси жуда ихчам бўлиб, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари асосан оммавий тадбирлардаги хавфсизлик ва ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ эди. Ушбу даврда Миллий гвардия ўз вазифасини, асосан, юқори даражадаги жамоат тартиби бузилишлари ва ўзларига нисбатан қаршиликларни бартараф этиш доирасида кўрганлиги соҳанинг табиатига *(милитаризациялашган хавфсизлик тузилмаси)* тўла мос тушади.

Шунингдек, 2023 йилга келиб вазият кескин ўзгарди. МЖтКга киритилган ўзгартиришлар доирасида Миллий гвардияга янги ваколатларнинг юклатилиши натижасида йил давомида тузилган маъмурий баённомалар сони *27 691 тани* ташкил этди[20]. Бу 2022 йилга нисбатан *21 баробарга (ёки 2,116% га) ўсганлигини* билдиради.

2023 йилнинг асосий кўрсаткичлари:

Модда *(МЖтК)*	**Ҳуқуқбузарликнинг қисқача моҳияти**	**Қайд этилган ҳолатлар сони**	**Асосий ҳудудлар (пешқадамлар)**
91[1] *(1-қисм)*	*Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ташлаш*	*9 207*	*Тошкент ш. (6 854), Жиззах (622)*
161	*Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш*	*8 216*	*Андижон (1 463), Хоразм (999)*
187 *(1-қисм)*	*Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш*	*4 945*	*Тошкент ш. (1,202), Тошкент вил. (359)*
88 *(1-қисм)*	*Автомобиль йўлларига ва йўл иншоотларига шикаст етказиш*	*2 378*	*Наманган (735), Қашқадарё (571)*
192 *(1-қисм)*	*Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш*	*1 312*	*Тошкент ш. (298), Наманган (186)*

Ушбу йилда Тошкент шаҳри мутлақ етакчиликни қўлга олиб, жами 8 881 та ҳуқуқбузарликни қайд этган, ундан кейинги ўринларда *Андижон (2 242), Тошкент вилояти (1 211),* ва *Самарқанд (480)* жойлашган.

2023 йил статистикаси шуни кўрсатадики, экологик қонунчилик *(МЖтК 91[1]-*

[20] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди *(2-илова).*

моддаси) ва ободонлаштириш қоидалари *(МЖтК 161-моддаси)* устидан назоратнинг Миллий гвардия юрисдикциясига ҳам ўтказилиши[21] баённомалар сонини сунъий равишда ошириб юборган. Бу ерда илк тизимли муаммо намоён бўлади: Экология вазирлиги ва Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган экологик назорат[22] Миллий гвардиянинг вазифалари қаторига қўшилиши натижасида, асосан махсус ҳарбий-жанговар ва оммавий тартибни сақлашга мўлжалланган тузилманинг маиший чиқиндилар ва ободонлаштириш масалалари билан шуғулланишига олиб келган. Хусусан, маҳаллий тадқиқотчилар томонидан кўрсатилганидек, экологик назоратни амалга ошириш учун прокуратура, адлия, суд, ИИВ, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси каби кўплаб органларнинг масъул қилиб белгиланиши ваколатларнинг ҳаддан ташқари кўпайишига ва такрорланишига замин яратди.

Бундан ташқари, 2024 йилда ўсиш динамикаси янада тезлашиб, жами *47 732 та* маъмурий ҳуқуқбузарлик рўйхатга олинди[23]. Бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан *72.3 фоизга* кўпдир. Асосий юк МЖтКнинг *161-моддасига (23 442 та)* ва *91[1]-моддасининг 1-қисмига (10 546 та)* ҳамда 88-моддасининг 1-қисмига *(8 425 та)* тушди.

Ҳудудий жиҳатдан Тошкент шаҳри ҳамон етакчи *(7 864 та),* бироқ вилоятларда ҳам фаоллик кескин ошган: Навоий *(4 545),* Фарғона *(5 137),* Бухоро *(3 475),* Жиззах *(3 203)*[24].

Ушбу йилги энг қизиқарли ўзгаришлардан бири 88-модда *(Йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш)* бўйича баённомаларнинг қарийб 3.5 баробарга *(2,378 дан 8,425 га)* ўсганлигидир. Бундан ташқари, 2024 йилда ҳам совуқ қурол олиб юриш *(МЖтК 185[2]-моддаси)* билан боғлиқ ҳолатлар фақатгина 18 та *(1-қисм)* ва 16 та *(2-қисм эски)*ни ташкил этган. Бу эса хавфсизликни таъминловчи органнинг диққати реал хавф туғдирувчи қуроллардан кўра, кўчадаги ободонлаштириш *(23 442 та баённома)* масалаларига қаратилганини тасдиқлайди.

Шунингдек, энг парадоксал ва илмий таҳлилга муҳтож бўлган ўзгариш *2025 йилда* кузатилди. 2025 йилда Миллий гвардия органлари томонидан жами *107 206 та* маъмурий ҳуқуқбузарлик расмийлаштирилди[25]. Бу 2024 йилга нисбатан 2.2 баробар, 2022 йилдаги дастлабки кўрсаткичга нисбатан эса *81.9 баробар кўпдир.*

2025 йилдаги структурвий тақсимот:

Модда *(МЖтК)*	**Ҳуқуқбузарликнинг моҳияти**	**Қайд этилган ҳолатлар сони**	**Жамига нисбатан улуши (%)**
56[1]	*Жамоат жойларида тамаки*	*35 630*	*~33.2%*

[21] *Холмўминов Ж.* Экологик қонунлар ижросини таъминлашда прокуратура органларининг назорати // Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборотномаси. – Тошкент, [2023 йил]. – № [3-сон (№3 (55) 2023)]. – 13-б.

[22] *Ўша манбаа*: 2WOhWmiTcE1vPbfsLQoFCYK-qxXBBoLw.pdf

[23] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди *(3-илова).*

[24] *Ўша манбаа:* (3-илова)

[25] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди *(4-илова).*

(1-қисм)	*маҳсулотини истеъмол қилиш* [3]		
88 *(1-қисм)*	*Автомобиль йўлларини сақлаш қоидаларини бузиш*	*24 434*	*~22.8%*
161	*Ободонлаштириш қоидаларини бузиш*	*20 544*	*~19.2%*
91[1] *(1-қисм)*	*Чиқиндиларни белгиланмаган жойга ташлаш*	*12 077*	*~11.3%*
47 *(1-қисм)*	*Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш мажбуриятларини бажармаслик*	*10 450*	*~9.7%*

Муҳим тенденция шундаки, 2022-2024 йилларда умуман қайд этилмаган ёки статистикада ўз аксини топмаган МЖтКнинг 56[1]-моддаси *(Жамоат жойларида тамаки истеъмол қилиш)* 2025 йилда тўсатдан етакчи ўринга чиқиб, жами ҳуқуқбузарликларнинг учдан бир қисмини ташкил қилган. МЖтКнинг 56[1]-моддасига кўра, иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, жамоат транспортида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳудудлар кесимида қаралса, 2025 йилда мазкур чекиш қоидабузарлиги бўйича *Тошкент шаҳрида 6 321 та, Фарғона вилоятида 5 699 та, Андижонда 2 501 та ва Қашқадарёда 2 563 та* ҳолат аниқланган[26]. Шунингдек, МЖтКнинг 47-моддаси *(ота-она мажбуриятларини бажармаслик)* бўйича ҳам кутилмаганда 10,450 та баённома расмийлаштирилган, бу рақам аввалги йилларда деярли нолга тенг эди.

Ушбу тенденциянинг давомийлиги кўра 2026 йилнинг биринчи ярмида *(январь-июнь ойлари)* ҳам тўлиқ давом этиб, жами *40 146 та* ҳуқуқбузарлик ичида МЖтКнинг 56[1]-моддаси *19 211 та* кўрсаткич билан мутлақ устунлик қилган[27]. Бутун бошли Миллий гвардия органларининг ярим йиллик маъмурий фаолиятининг қарийб 48 фоизи фақатгина жамоат жойида чекиш ҳолатларини расмийлаштиришга сарфланган. Бу даврда Тошкент шаҳрида *12 958 та* баённома расмийлаштирилган бўлса, шундан *2 675 таси* айнан *56[1]-моддага, 3 345 таси* эса *88-моддага* тўғри келади.

Шу билан бирга, 2026 йилнинг илк 6 ойида совуқ қурол билан боғлиқ *(185[2]-модда)* жами ҳолатлар сони республика бўйича атиги 24 тани *(1-қисм 15 та, 2-қисм эски 5 та ва бошқалар)* ташкил этган.

Юқоридаги кенг қамровли статистик массивларга суянган ҳолда, Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш ва профилактика фаолиятини баҳолаш тизимидаги чуқур тизимли ва ҳуқуқий *муаммоларни қуйидагича таснифлаш ва таҳлил қилиш мумкин*:

Биринчидан, *миқдорий кўрсаткичларга тобелик (The Quota Trap) ва унинг салбий оқибатлари.* Яъни, исталган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолиятини баҳолашнинг

[26] *Ўша манбаа:* (4-илова)

[27] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди *(5-илова).*

энг ибтидоий ва зарарли шакли – бу расмийлаштирилган баённомалар ва ундирилган жарималар сонига қараб ходимларга ёки бўлинмаларга баҳо беришдир *(миқдорий KPI)*. Миллий гвардия тизимида 2022 йилда 1 308 та баённомадан 2025 йилда 107 206 тагача кескин ўсиш қайд этилгани фаолият самарадорлиги ошганидан эмас, балки айнан бошқарув тизимидаги *"қамровни кенгайтириш ва рақамлар кетидан қувиш"* тенденциясидан далолат беради.

Қачонки раҳбарият томонидан ходимнинг иши у аниқлаган ҳуқуқбузарликлар сони билан баҳоланса, ходим автоматик равишда энг осон аниқланадиган, исботлаш талаб қилинмайдиган ва кенг тарқалган маиший ҳуқуқбузарликларга *(криминологияда "Low-hanging fruits" - пастда осилиб турган мевалар эффекти)* эътибор қаратади. 2025-2026 йиллардаги статистика бунинг ёрқин исботидир. МЖтКнинг 56[1]-моддаси *(чекиш)*[28] ва 161-моддаси *(ободонлаштириш)* бўйича баённома тузиш жуда осон жараёндир. Кўчада хизмат олиб бораётган патруль ходими бир кунда ўнлаб шундай баённома расмийлаштириб, ўзининг *"кунлик режасини"* ортиғи билан бажариши мумкин.

Бироқ, бу *жамоат хавфсизлигининг реал индикаторими?* АҚШ Миллий Тактик Офицерлар Ассоциацияси (NTOA) стандартларида кўрсатилганидек, махсус бўлинмалар ва жамоат тартиби кучларининг *(Public Order Units)* асосий вазифаси зўравонлик билан боғлиқ фуқаролик тартибсизликларини бартараф этиш, оммавий тадбирларда хавфсизликни таъминлаш ва жамиятни криминоген хавфлардан ҳимоя қилишдир[29]. Ўзбекистоннинг Мудофаа доктринасига кўра, Миллий гвардия қўшинлари ва ҳарбий тузилмалари давлат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитликни таъминлашда қатнашадиган муҳим ҳарбий-хавфсизлик кучидир[30]. Шундай экан, махсус ўқотар қурол ва махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган *(Қонуннинг 28-моддаси)*[31], жисмоний ва жанговар тайёргарлиги юқори даражада бўлган[32] гвардия ходимларининг ўз хизмат вақтини ва давлат ресурсларини асосан кўчада тамаки чекканларни *(35 мингдан ортиқ ҳолат[33])* ёки белгиланмаган жойга ахлат ташлаганларни жаримага тортишга сарфлаши инсон капитали ва ресурсларининг нотўғри *(иррационал)* тақсимланишига олиб келади.

Иккинчидан, *оғир ва хавфли ҳуқуқбузарликларнинг эътибордан четда қолиши (Совуқ қурол парадокси).* Яъни, тизимли муаммонинг энг хавфли жиҳати шундаки, баҳолаш мезони сифатида *"аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг умумий сони"* белгиланар экан, ходимлар жамият учун реал хавф туғдирувчи оғир қилмишларнинг олдини олишдан кўра, майда қоидабузарликларни оммавий қайд этишга ўтиб кетади.

Натижада, жамоат жойида совуқ қурол олиб юриш *(МЖтК 185[2]-моддаси)* каби

---

[28] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/97664

[29] National Tactical Officers Association. NTOA Public Order Response and Operations Standards // URL: https://ntoa.org/pdf/PublicOrder.pdf

[30] *"Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *(09.01.2018 й., ЎРҚ-458-сон)* // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/3495906

[31] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *(18.11.2020 й., ЎРҚ-647-сон)* // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/acts/5128310

[32] "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *(15.06.2022 й., ЎРҚ-778-сон)* // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://www.lex.uz/acts/6066682

[33] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди маълумотнома.

ҳақиқий криминоген хавфли ҳуқуқбузарликлар эътибордан четда қолади. 2020 йилда қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга кўра, касбий ёки спорт фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни *(пичоқлар, биталар ва ҳ.к.)* жамоат жойларида олиб юриш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача *(олдинги таҳрирда эса йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача)* миқдорда жарима солишга сабаб бўлади[34].

Жамоат жойида пичоқ ва бошқа совуқ қурол олиб юриш оғир жиноятлар *(қотиллик, баданга қасддан оғир шикаст етказиш)* учун тўғридан-тўғри замин яратадиган энг асосий хавф омили ҳисобланади. Бироқ статистикага мурожаат қилсак, Миллий гвардия томонидан *185²-модда* бўйича 2023 йилда жами 86 та *(185² 1-қисм ва 2-қисм),* 2024 йилда 34 та, 2025 йилда эса атиги 55 та баённома тузилган. Хавфсизликни таъминлашга масъул бўлган яхлит бир тизим томонидан бутун бошли 2025 йил давомида бутун республика бўйлаб бор-йўғи 55 та пичоқ олиб юриш ҳолати аниқланган бўлса-да, лекин 35 630 та чекиш ҳолати аниқланган[35]. Бу баҳолаш тизимидаги чуқур инқироздан, ходимларнинг хавфли қоидабузарларни излаш ўрнига, ўзлари учун хавфсиз бўлган оддий фуқароларни жаримага тортиш орқали *“режани”* тўлдираётганидан яққол далолат беради.

Учинчидан, *юрисдикцион такрорланишлар ва ваколатларнинг дубликацияси (Overlap of Jurisdictions) билан боғлиқ муаммо***.** Мазкур тизимли муаммо бу – маъмурий юрисдикциянинг турли давлат органлари ўртасида мақсадсиз тақсимланиши ва такрорланишидир. МЖтКнинг 248¹-моддасига асосан Миллий гвардия органларига ўнлаб моддалар бўйича иш кўриб чиқиш ваколати берилган[36]. Бироқ, ушбу моддаларнинг аксарияти Ички ишлар органлари *(МЖтК 248-моддаси),* Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари *(МЖтК 261-моддаси),* Ободонлаштириш бошқармалари ва бошқа инспекцияларнинг ваколатлари билан тўлиқ такрорланади.

Маҳаллий ҳуқуқшунос олимлар бўлган *Ж.Холмўмунов* томонидан олиб борилган тадқиқотларда таъкидланишича, экологик қонунчиликка риоя этилиши юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар *(МЖтК 91¹, 91²-моддалари)* тўғрисидаги ишлар Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия юрисдикциясига ҳам ўтказилиши гарчи бу соҳага давлат томонидан эътибор кучайганини кўрсатса-да[37], амалиётда *“ваколатларнинг дубликацияси”*га сабаб бўлди. Биргина кўчага ахлат ташлаган шахсни ИИВ профилактика инспектори ҳам, Экология инспектори ҳам, Миллий гвардия патруль ходими ҳам жаримага тортиши мумкин. Бундай юрисдикцион қоришиқлик давлат бошқарувида *“жамоавий масъулиятсизликни”* келтириб чиқаради ҳамда баҳолаш жараёнида қайси орган ҳақиқий профилактика билан шуғулланганини аниқлашни иложсиз қилиб қўяди.

Худди шундай ҳолат болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам кузатилади. МЖтКнинг 47-моддаси *(болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги*

---

[34] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // https://het.uz/uploads/bf7ce82e-3f88-6cd4-d643-66b075515741_docs_.pdf

[35] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди *(1-5-иловалар).*

[36] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси *(22.09.1994 й.)* // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // URL: https://lex.uz/docs/97664

[37] *Холмўминов Ж.* Экологик қонунлар ижросини таъминлашда прокуратура органларининг назорати // Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборотномаси. – Тошкент, [2023 йил]. – № [3-сон (№3 (55) 2023)]. – 13-б.

мажбуриятларни бажармаслик) бўйича 2025 йилда Миллий гвардия томонидан 10 450 та ҳолат аниқланган[38]. Тўғри, давлат дастурларига мувофиқ, Миллий гвардия болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида иштирок этади ва тегишли дастурларни амалга оширади[39]. Бироқ, мактабга бормаган боланинг ота-онасини жаримага тортиш бевосита Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг кундалик асосий функцияси бўлмаслиги керак, чунки бунинг учун Халқ таълими тизимидаги инспектор-психологлар ва Болалар масалалари бўйича комиссиялар мавжуд. Миллий гвардиянинг функцияларини бу қадар *“ижтимоийлаштириш”* унинг профессионал ҳарбий-қудрат салоҳиятини, тезкорлигини ва жанговар шайлигини пасайтириб юборади.

Тўртинчидан, *баҳолашда профилактик “натижа” (Outcome) концепциясининг мавжуд эмаслиги.* Бунда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра, профилактиканинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишдир[40]. Лекин Миллий гвардия амалиётида қўлланилаётган баҳолаш мезонлари ушбу қонуний мақсадга хизмат қилмаяпти.

Агар баҳолаш мезони фақат баённомалар сонига асосланса, ходимлар ҳеч қачон ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга *(барвақт профилактикага)* ҳаракат қилмайди. Бу криминологияда *“профилактика парадокси”* деб аталади. *Масалан,* ходим фуқарони жамоат жойида чекиш ниятида эканлигини ёки белгиланмаган жойга чиқинди ташламоқчи бўлганини кўрса, уни олдиндан огоҳлантириб, бу ҳаракатнинг олдини олиш ўрнига, қилмиш содир бўлишини пойлаб туради ва сўнг *“факт асосида”* баённома расмийлаштиради. Чунки огоҳлантириш ходимга *“статистик балл”* келтирмайди, баённома эса унинг кунлик кўрсаткичини оширади. Бу орқали Кодекснинг 3-моддасида белгиланган инсонпарварлик ва жамият фаровонлигидек бош мақсадлар[41] четда қолиб, қонун шунчаки режани бажариш ва статистика йиғиш воситасига айланиб қолади.

Бугунги кунда суриштирув ва тергов ҳаракатларида замонавий технологиялар ва видеоконференцалоқа *(ЖПК 313-моддасига кўра [42])* ҳамда ходимларнинг бодикамераларидан фойдаланиш кенгайган бўлса-да, бу рақамли далиллар фақатгина жазоловчи статистикани шакллантириш учун хизмат қилмоқда. Илғор *“Ақлли адолат” (Smart Justice)* концепцияси доирасида баҳолаш тизимига жамиятнинг реал хавфсизлик индекси, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончи ва маълум бир ҳудудда жиноятчиликнинг *(айниқса, тан жароҳати етказиш, ўғрилик, талончилик)* реал пасайиш динамикаси каби сифат кўрсаткичлари киритилмаган.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этишда хорижий давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот тизимлари томонидан ишлаб чиқилган стандартларни миллий қонунчиликка мослаштирган ҳолда имплементация қилиш мақсадга мувофиқдир.

---

[38] Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2026 йил 23 июндаги 012/1/4152-сон хати ва унга илова қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган маълумот.

[39] *“Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”*ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *(14.11.2024 й., ЎРҚ-996-сон)* // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://www.lex.uz/acts/7219502?ONDATE=15.05.2-025%2000

[40] *“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”*ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 4-модда *(14.05.2014 й., ЎРҚ-371-сон)* // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/2387357

[41] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/97664

[42] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 313-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/111460

Биринчи навбатда, АҚШ Миллий Тактик Офицерлар Ассоциацияси (NTOA) тажрибасига таянган ҳолда[43], Миллий гвардия органлари ўз фаолиятини режалаштиришда *“хавф-хатарларни баҳолаш” (Threat risk assessment)* тизимига ўтиши керак. Баҳолаш мезонлари (KPI) ходимларнинг қанча маиший қоидабузарликни аниқлаганига қараб эмас, балки мураккаб вазиятларда қанчалик тўғри қарор қабул қилгани, оммавий тадбирларни қанчалик талофатсиз ўтказгани ва бошқа органлар *(ИИВ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги)* билан қай даражада самарали ҳамкорлик қилганига қараб белгиланиши лозим.

Иккинчидан, АҚШ Давлат ҳисобдорлиги идораси (GAO) томонидан тавсия этилган *“натижавий мақсадлар” (Outcome-based performance goals)* моделини жорий этиш зарур[44]. Бунга кўра, Миллий гвардиянинг ҳар бир ҳудудий бошқармаси учун йил бошида баённомалар сони эмас, балки хизмат кўрсатиладиган ҳудудда *(маҳаллада, шаҳар марказида)* оғир жиноятлар сонини маълум фоизга камайтириш мақсад қилиб қўйилиши керак. Агар жиноятчилик камайса ва аҳоли сўровномаларида хавфсизлик ҳисси ошгани тасдиқланса, гвардия бўлинмасининг иши ижобий баҳоланади, гарчи улар бирорта ҳам *56^1-модда (чекиш)* бўйича баённома тузмаган бўлса ҳам.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш соҳасида олиб борилган ушбу комплекс таҳлил, хусусан Миллий гвардиянинг 2022-2026 йиллардаги маъмурий-ҳуқуқий фаолияти бўйича улкан статистик массиви шуни кўрсатадики, баҳолаш мезонларининг фақат миқдорий кўрсаткичларга *(расмийлаштирилган маъмурий баённомалар сонига)* асосланиши тизимли деградация ва давлат ресурсларининг мақсадсиз сарфланишига олиб келмоқда. Баённомалар сонининг бир неча йил ичида *1 308* тадан *107 206* тагача сакраши жамиятда тартиб ва қонун устуворлиги ўрнатилганини эмас, балки баҳолашнинг сунъий *“квота”* тизими таъсирида ходимларнинг осон аниқланадиган маиший ҳуқуқбузарликларга *(чекиш, чиқинди)* ўралашиб қолганлигини, жамият учун реал хавф туғдирувчи оғир оқибатли ҳуқуқбузарликлар эса эътибордан мутлақо четда қолаётганини тасдиқлайди.

Мавжуд ҳуқуқий ва тизимли муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, Миллий гвардия фаолиятини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги концептуал илмий-назарий ва амалий таклифлар илгари сурилади:

Биринчидан, Миллий гвардия ходимлари ва бўлинмалари фаолиятини баҳолашнинг *“миқдорий-режали” (квотали ёки “палочная система”)* тизимидан мутлақо воз кечиш ва *“Сифат ва натижадорликка асосланган баҳолаш” (Key Performance Indicators based on Outcomes)* моделига ўтиш лозим. Бунда асосий баҳолаш индикаторлари сифатида расмийлаштирилган жарималар сони эмас, балки хизмат кўрсатиладиган ҳудудда (секторда) оғир ва ўта оғир жиноятларнинг *(масалан, тан жароҳати етказиш, талончилик)* камайиш даражаси, оммавий тадбирларда хавфсизликнинг беталафот таъминланганлиги ҳолати ва фуқароларнинг Миллий гвардияга бўлган ишонч индекси белгиланиши керак.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг *248^1-моддасини* тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва Миллий гвардия юрисдикциясидан бевосита жамоат хавфсизлигига таҳдид солмайдиган маиший ва

[43] National Tactical Officers Association (NTOA). Public Order Response and Operations Standards // URL: https://ntoa.org/pdf/PublicOrder.pdf

[44] Actions Are Needed to Improve the Management and Oversight of the National Guard Youth Challenge Program: GAO Report GAO-06-140. – Washington, DC: U.S. Government Accountability Office, 2005. // URL: https://www.govinfo.gov/content/pkg/GAOREPORTS-GAO-06-140/html/GAOREPORTS-GAO-06-140.htm

экологик ҳуқуқбузарликларни *(масалан, 47-модда – ота-она мажбуриятлари, 56[1]-модда – жамоат жойида чекиш, 91[1] ва 91[2]-моддалар – чиқинди ташлаш, 161-модда – ободонлаштириш қоидаларини бузиш)* чиқариб ташлаш қатъий таклиф этилади. Ушбу ваколатларни тўлиқлигича Ички ишлар органларининг маҳалладаги профилактика инспекторлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг инспектор-психологлари ҳамда Экология вазирлиги инспекторлари ихтиёрига ўтказиш лозим.

Миллий гвардия ваколатида эса фақат ва фақат бевосита жамоат хавфсизлигига жиддий раҳна солувчи ҳуқуқбузарликлар қолдирилиши мақсадга мувофиқдир. Булар: Миллий гвардия ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ва унга қаршилик кўрсатиш *(194[1], 195[1]-моддалар),* жамоат жойларида пичоқ ва бошқа совуқ қурол олиб юриш *(185[2]-модда)*[45], оммавий тадбирлар ва намойишлар пайтида тартибни бузиш ҳамда пиротехника буюмлари муомаласи (185[1]-модда) кабилардир.

Учинчидан, АҚШнинг GAO тавсиялари[46] ва NTOAнинг жамоат тартибини сақлаш стандартлари [47] асосида, Миллий гвардия органларининг фаолияти самарадорлигини ўлчаш учун *“Профилактик таъсирчанлик индекси” (Preventive Impact Index)* жорий этилиши зарур. Бу индекс орқали ходимнинг қанча инсонни жазолагани эмас, балки аниқланган хавф-хатарлар *(threat risk assessments)* асосида нечта эҳтимолий жиноятнинг олдини олганлиги *(масалан, можарони тинч йўл билан ҳал қилгани, совуқ қуролни ихтиёрий топширишга кўндиргани, оломон агрессиясини қонуний доирада юмшатгани)* рағбатлантирилиши ва баҳоланиши керак. Бунинг учун кўкрак бодикамералари ёзувлари фақат жарима ёзиш учун эмас, балки ходимнинг мураккаб вазиятни қанчалик профессионал ва инсонпарварлик билан ечганлигини баҳолаш учун ишлатилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ҳуқуқий ва институционал ислоҳотларнинг туб моҳияти давлат органларининг халққа хизмат қилишига, жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган. Миллий гвардия фаолиятини баҳолаш мезонларини ҳуқуқий ва тизимли жиҳатдан такомиллаштириш орқали биз нафақат давлат ресурслари ва инсон капиталини мақсадли тежашга, балки энг асосийси – жамиятда чинакам хавфсизлик, барқарорлик ва инсон манфаатлари устуворлиги муҳитини яратишга эришамиз. Профилактиканинг муваффақияти жазоланган фуқароларнинг кўплиги билан эмас, балки жазолашга эҳтиёж қолмаган, қонунга итоаткор фуқароларнинг кўплиги билан ўлчаниши шарт.

[45] https://kun.uz/kr/news/2020/03/09/ozbekistonda-sovuq-qurolni-olib-yurganlik-uchun-javobgarlik-joriy-etiladi
[46] Actions Are Needed to Improve the Management and Oversight of the National Guard Youth Challenge Program // https://www.govinfo.gov/content/pkg/GAOREPORTS-GAO-06-140/html/GAOREPORTS-GAO-06-140.htm
[47] NTOA Public Order Response and Operations Standards // https://ntoa.org/pdf-/PublicOrder.pdf